

Қуръон мусулмонларнинг илоҳий дастури



20:00 / 26.07.2019 1652

Қуръоннинг мўъжизакорлиги ҳақида гап кетганда, аввало шуни айтиш керакки, у араб тилида, араб сўз усталарини ожиз қолдириш учун юборилган Китоб бўлиб, унинг ҳақиқий мўъжизасини тўлиқ тушуниш учун араб тилини билувчи киши бўлиши шарт.

Биз араб бўлмаганимиз ва араб тилини билмаганимиз учун Қуръоннинг араб тилига боғлиқ бўлмаган мўъжизаларидан баъзи бирларини эслатиб ўтамиз.

Шулардан бири келажакда бўладиган ҳодисалардан берилган хабарлардир. Қуръони Каримда инсон ақлини лол қолдирадиган даражада баъзи бир хабарлар келадикки, ўша оятларни нозил қилинган пайтда эшитган кишилар «Албатта, бу муболағадир», деб ўйлаган бўлишлари эҳтимолдан холи эмас.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилади:

«Аллоҳ сизлардан иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганларга уларни ер юзида худди улардан олдин ўтганларни халифа қилганидек, халифа қилишни, улар учун Ўзи рози бўлган динни мустаҳкамлашни ва уларнинг хавф-хатарларидан сўнг омонликни бадал қилиб беришни ваъда қилди» (Нур сураси 55-оят).

Мана шу оят нозил бўлишидан олдин мусулмонлар ҳатто ухлаган чоғларида ҳам қуруллари билан ухлаб, бизга ҳам бир осойишталик келиб, диний амалларимизни бемалол бажара олармиканмиз, деб турган вақтлар эди. Бу оят нозил бўлганидан сўнг кўп ўтмай, улар орзу қилган вақтлар етиб келди ва Ислом уммати Аллоҳнинг ердаги халифаси деб эълон қилинди.

Яна бошқа бир оятни олиб кўрайлик.

«Эй Расул! Сенга Роббингдан нозил қилинган нарсани етказ. Агар (шундай) қилмасанг, Унинг рисолатини етказмаган бўласан. Аллоҳ сени одамлардан сақлар. Албатта, Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоят қилмас» (Моида сураси, 67-оят).

Бу оят нозил бўлишидан олдин Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни баъзи саҳобалар ўз ихтиёрлари билан кофирларнинг ёмонлигидан қўриқлаб туришарди. Ушбу оят нозил бўлгандан сўнг эса Набий алайҳиссалом ҳужраларидан бошларини чиқариб, қоровулларга қараб:

«Энди сизлар кетаверинглар, Аллоҳнинг Ўзи мени кишиларнинг ёмонлигидан сақлайдиган бўлди», – деб айтдилар.

Мана шу оят Қуръоннинг илоҳий китоб эканига энг кучли далиллардан биридир. Чунки шу оят нозил бўлгандан сўнг Набий алайҳиссалом ҳеч қўрқмасдан, кофирларнинг ичида юрдилар, биринчи сафда туриб, улар билан жанг қилдилар ва бошқа ҳолатларда ҳам бемалол юравердилар. Кофирлар қанчалик уринмасинлар, у зотга пашша чаққанчалик озор етказа олмадилар.

Қуръонда аввал ўтган пайғамбарлар ва уларнинг умматлари ҳақида кўпгина қиссалар бор. Маълумки, Муҳаммад алайҳиссалом ўқиш-ёзишни билмаганлар, умрларида бирор соат ҳам дарс олмаганлар. Шунга қарамай, Қуръонда келган қиссалар энг тўғри ва далилли бўлиб, ҳатто Инжил ва Таврот каби китобларнинг хатоларини тўғрилаб келган. Бу ҳақда ХХ асрда шу қиссаларнинг баъзи бирларига тааллуқли бўлган ашъвий далилларни синчиклаб ўрганган таниқли уламолар ҳам айтиб ўтдилар. Уларнинг ичида аввал мусулмон бўлмаганлари шу илмий ишларидан сўнг Қуръоннинг ҳақиқий илоҳий Китоб эканига тан бериб, мусулмон бўлдилар.

Қуръон кишиларни тўғри йўлга бошлаш учун нозил қилинган Китоб бўлиб, унинг вазифаси коинот, мавжудот ва илмий масалаларда сўз юритиш эмас.

Лекин шу билан бирга, Қуръонда баъзи бир илмий сўзлар келганки, албатта, улар Қуръоннинг илоҳий мўъжизакор Китоб эканига катта далилдир.

Такрор бўлса-да, яна айтамикки, Муҳаммад алайҳиссалом Маккада ўсган, ўқиш-ёзишни ўрганмаган бир одам эдилар. У ерда илм-маърифат, мадраса ёки илмий муассаса деган нарса асло бўлмаган. Бу эса Набий алайҳиссалом илмий масалалардан мутлақо беҳабар эдилар, деганидир. Лекин шунга қарамай, Қуръонда шундай илмий масалалар зикр қилинганки, бунинг сирини ўша вақтда ва ундан кейинги вақтларда ҳам ҳеч ким билмаган. Фақат бизнинг давримизга келиб, илм-фан ниҳоятда тараққий этган бир даврдагина у нарсалар тушунилды. Аллоҳ таоло Анбиё сурасида шундай дейди:

«Куфр келтирганлар осмонлару ер битишган бўлганини, бас, уларни очганимизни ва сувдан ҳар бир тирик нарсани қилганимизни билмайдиларми? Иймон келтирмайдиларми?!» (30-оят).

Бу оятда айтилишича, осмонлару ер аслида бир нарса бўлиб, сўнгра бир-биридан ажралган. Бу оят Қуръоннинг мўъжизаларидан бири бўлиб, уни ҳозирги замон илми ҳам тасдиқлади.

Олимларнинг айтишларича, бутун борлиқ бир газдан иборат бўлиб, кейин бўлакларга бўлинган. Қуёш галактикасига кирувчи олам ҳам шу бўлинишдан келиб чиққан. Бунинг далили сифатида уламолар айтадиларки, ерда тўқсон икки хил турли моддалар бўлиб, шундан олтмиш еттитаси қуёшда ҳам бор экан. Қуёшдаги кўп учрайдиган моддалар, масалан, азот, фосфор, темир, карбон ва бошқалар ерда ҳам учрар экан.

Яна уламолар ой жинсларини олиб, ўрганиб кўрганларидан сўнг, ойда ҳам ердаги моддалар бор экани маълум бўлди. Буларнинг ҳаммаси шуни кўрсатиб турибдики, Қуръонда айтилганидек, оламдаги барча нарсаларнинг асли бир экан.

Энди оятнинг «ва сувдан ҳар бир тирик нарсани қилганимизни» деган қисмига келсак, бу – уламолар сирини очган илмий ҳақиқатлардан энг каттасидир, десак муболаға бўлмас. Ҳаёт ва ўсиш учун зарур бўлган барча кимёвий ўзгаришлар, албатта, сувсиз бўлмайди. Сув ҳаётнинг давом этиши, барча коинот ва набототнинг яшаши учун асосий нарсадир.

Ер юзасининг тўртдан уч қисми сув билан ўралган. Сувнинг хусусиятларидан бири ер юзидаги ҳароратнинг бир хил сақланиб

туришини таъминлашдир. Агар шундай бўлмаганда, ер юзида ҳаёт бўлиши гумон эди. Сувнинг хусусиятлари жуда кўп бўлиб, уларнинг ҳар бири Аллоҳ таоло сувни Ўзининг махлуқларига зарур нарса қилиб яратганлигига далилдир.

Сув музлаганда зичлиги камайиб, ҳажми катта бўладиган ягона моддадир. Бу хусусиятнинг сувда яшайдиган ҳайвонлар учун аҳамияти каттадир. Шу хусусият сабабидан совуқ қаттиқ бўлганида муз сувнинг устига кўтарилади (бошқа модда бўлса, пастга кетиши керак эди). Муз сув ҳайвонлари учун зарурий нарсадир. Паст даражали ҳароратда сув ўзига кислородни кўп миқдорда тортади. Музлаган сувдан эса ҳарорат чиқиб, дарё ва денгизларда яшовчи сув ҳайвонларининг ҳаётини сақлашда ғоят қўл келади.

Қуръоннинг ҳикматини қарангки, озгина сўзлар билан ер юзидаги ҳаётнинг чексиз сирларини баён қилди. Фақат мана шу оятнинг ўзиёқ Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳақиқий пайғамбар, Қуръоннинг ҳақиқий илоҳий Китоб эканига катта далилдир.

Айтиб ўтилган мўъжизалар денгиздан бир томчи, холос. Бу ҳақда неча-неча китоблар битилган. Ҳозирда «Қуръон ва суннатдаги илмий мўъжизалар» номи билан аталган халқаро ташкилотлар, илмий нашрлар бор. Тиб илмидагилар Қуръони Каримнинг тиббий мўъжизаларини, кимё олимлари – кимёвий, тарихчилар – тарихий, физиклар – физикага оид илмларда, мунажжимлар – фазовий ва ҳоказо илмларда, ҳар бир илм соҳиби ўз илми доирасида Қуръон мўъжизасини топган ва тан берган. Ғарбнинг неча-неча забардаст олимлари шу туфайли Исломни қабул қилганлар ва ҳануз қабул қилмоқдалар.

Араб тили, сарф, наҳв, балоғат олимлари ҳам ўз илмларини Қуръондан олганлар ва Қуръон олдида ожиз қолиб, бош эгадилар. Фақиҳлар (Ислом ҳуқуқшунослари) ҳам худди шундай. Мана шу айтиб ўтилган мавзулар Аллоҳ таолонинг ягоналигини ва У Зотнинг баркамол сифатларини, Набий алайҳиссаломнинг ҳақлигини, Қуръоннинг илоҳий китоб эканини, намоз ўқиш, рўза тутиш ва бошқа ибодатлар фарзлигини, қиёмат бўлиши ҳақлигини, ўлгандан сўнг тирилиб, бу дунёда қилган ишларнинг ҳисоботини бериш лозимлигини, жаннат ва дўзах ҳақлигини тасдиқлайди ва исботлайди...

«Тафсири Ҳилол» китобидан олинди.